

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиши тўғрисида)

2026 йил январь ойининг 26 куни, жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди, ўз биносида, Қибрай тумани, Ўнқўрғон маҳалласи ҳудудида, очик сайёр суд мажлисида,

Раислик қилувчи Ч.Чоршамиев, судья ёрдамчиси Б.Улуғовнинг котиблигида, тарафлардан Қибрай туман прокурорининг ёрдамчиси С.Самиғов, судланувчи А.Журакулов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Р.Мирзаев, жабрланувчи Б.Тажибаев иштирокида, Журакулов Азамат Рустамовичга оид 1-1107-2601/18-сонли жиноят ишени кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Журакулов Азамат Рустамович (Jurakulov Azamat Rustamovich), 1977 йил 22 январь куни Сурхондарё вилояти, Саросиё туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта, мукаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 14-даха 1-уй, 4-хонадонда яшайди, 2025 йил 26 декабрь куни “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 5 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг аризаларини муҳокама қилиб, жиноят иши материалларини атрофлича таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Журакулов Азамат Рустамович, 2025 йил 25 ноябрь куни соат тахминан 07:30 лар-да ўзининг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 01D405BD бўлган “Кобальт” русумли автомашинада Қибрай тумани Ўнқўрғон маҳалласи, Устабобоев кўчасидаги чорраҳа бўйлаб ҳаракатланиб кетаётган вақтида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3-банди, яъни “йўл ҳаракати қатнашчилари юқоридаги Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизикларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт”, деган, 11-банди “г” кичик қисми, яъни “ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур”, деган ҳамда 77-банди, яъни “ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серкатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак, тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини



бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак, ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат катнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”, деган талабларини қўпол равишда бузиб, эҳтиётсизлик ва ўз-ўзига ишониш оқибатида, ушбу чорраҳадан йўналиши бўйича қатнов қисмини чап томондан ўнг томонга кесиб ўтаётган пиёда Тажибаев Баҳодир Мухиддиновични уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида, Б.Тажибаев олган тан жароҳатлари билан Қибрай тумани тиббиёт бирлашмасига етказилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2025 йил 1 ноябрдаги 905-Т-сонли хулосасига кўра, Б.Тажибаевда умуртқа поғонаси 7-бўйин қисмини компрессион синиши орқа мия фаолияти бузилишсиз, бош тепа соҳаси шилинмаси, чап қўл панжаси бош бармоғишилинемалари, чап қўл 2-бармоғи шилинмаси кўринишларидаги ўртача оғир тан жароҳати олганлиги аниқланган.

Судга оид автотехника экспертизасининг 2025 йил 23 декабрдаги 20272-сонли хулосасига кўра, ҳайдовчи автомашинани ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисанинг олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлганлиги, унинг ҳаракатлари амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 73-бандига зид эканлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи А.Журакулов, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан пушаймонлигини, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 22 октябрь куни соат тахминан 07:30 лар-да ишончнома орқали сотиб олган, А.Боходирхўжаев номида бўлган “Кобальт” русумли автомашинада Қибрай тумани, Ўнқўрғон маҳалласи ҳудудидан ўтган автомобиль йўли бўйлаб ҳаракатланиб кетаётиб, Ўнқўрғон маҳалласи Устабобоев кўчасидаги чорраҳага етган вақтида унга нисбатан олдинда ҳаракатланиб келаётган автамашиналар чап томонга қайрилиб кетгани, у ушбу чорраҳадан тўғрига ўтиши керак бўлгани сабабли автомашина тезлигини камайтириб, асосий йўл ўнг томонга қайрилиш бўлганлиги сабабли ўнг томонга қараб чорраҳадан ҳаракатланаётган вақтида, унга нисбатан чап томондан пиёда югуриб чиққани, шунда автомашинасининг олд ойнасининг чап қисми билан пиёда Б.Тажибаевни уриб юборгани, сўнг дархол унга ёрдам бергани ва шифохонага олиб боргани, ҳозирда айбига тўлиқ иқроорлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни жабрланувчига тўлиқ қоплаб берганлигини, ҳозирда содир этилган қилмишининг оқибатларини тушуниб етганлигини, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олишганини баён қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради

Суд мажлисида жабрланувчи Б.Тажибаев, ҳақиқатдан ҳам 2025 йил 22 октябрь куни соат тахминан 07:30 лар-да уйдан ишга бориш учун чиқиб Ўнқўрғон маҳалласи Устабобоев кўчасидаги чорраҳадан йўлни кесиб



Ўтмоқчи бўлиб автомашиналарни ўтказиб юборгани ва йўлни кесиб ўтиш учун ҳаракатланган вақтида, А.Журакулов ўзининг бошқарувидаги “Кобилът” русумли автомашинада ҳаракатланиб келиб уни уриб юборгани, натижада у автомашинанинг олд ойнасининг чап томонига боши билан урилиб, тан жароҳати олгани, сўнг А.Журакулов унга ёрдам бериб, уни шифохонага олиб бориб, уни даволанишига ёрдам бергани, ҳозирда судланувчи билан ярашиб олганини, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлашини, судланувчи А.Журакуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплаб берганлиги, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, ярашув тўғрисидаги аризани ихтиёрий равишда ёзиб судга тақдим этганларини, бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан мазкур ишни юритишни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиш оқибатини тушунганини баён қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчи Б.Тажибаевнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 1-қисмида, ушбу Кодекснинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилинмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жинойий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, 2-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан

воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини кўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда



жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этиб ўтилган қонун талабларига ҳамда Пленум қарори билан берилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи А.Журакуловнинг муқаддам судланмагани, ўз айбига иқрорлик билдиргани, жабрланувчи Б.Тажибоев билан ихтиёрий равишда ярашгани, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб, етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ бартараф этгани, жабрланувчи ёки судланувчига тазйиқ бўлганлиги ҳолати аниқланмагани ҳамда судланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам ярашувга розилик билдирганликларини инобатга олиб, жиноят ишини судланувчининг айблилиги ҳақидаги масала ҳал қилмасдан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда уни жавобгарликдан озод қилишни ҳамда жабрланувчига ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу жиноят иши ярашувга асосан тугатилганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84, 423, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилди,

а ж р и м :

Журакулов Азамат Рустамовични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айблаш ҳақидаги жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин ва у жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи Б.Тажибоевга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолгани тушунтирилсин.

А.Журакуловга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ажримдан норози томонлар ўн сутка ичида Тошкент вилоят судига апелляция тартибида хусусий протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи, судья
Нусхаси аслига тўғри:

(имзо)

Ч.Чоршамиев



Маъсул судья: Чоршамиев Чори Пардаевич



Хужжат имзоланган: Чоршамиев Чори Пардаевич, 26.01.2026

